Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 21-aprel. Payshanba • 48 (31.324) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Оилавий бизнес: оила фаровонлигидан мамлакат фаровонлигига!



Меҳр-мурувват ва хайрли ишлар маҳалладан бошланади.



Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишидир.



Ўзбекистон мустақиллиги ва келажаги тақдири мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19-20 апрель кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ташриф дастури тадбирларга бой бўлиб, кетма-кет қатор учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти Пекин шаҳри аэропортига қўнганидан кейин бир соат ўтар-ўтмас, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносида Ислом Каримовни тантанали расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг музокаралари ўтказилди ва кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Музокара аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифига мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг мантиқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган ғоят муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бахш этиш имконияти сифатида қараймиз», деб таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йирик масалаларнинг кўлами томонлар ўзаро муносабатларнинг кун тартибига қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдида турган стратегик вазифаларни ҳал этишга нечоғли жиддий ёндашганини намоён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларнинг янги даврига, сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўяётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик бошланганини билан изоҳланишини таъкидлади.

Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг кўламли тузилмавий янгиланишларга юксак баҳо берди ва юқори технологиялар соҳасида, жумладан, саноат ва технология парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда ХХР ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди. Конструктив ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат асносида Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигига доир ғоят муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР савдо вазири Чэнь Дэминь ҳамда Хитойнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармоясини жалб этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

### ЎзХДП маҳаллий кенгашларида







## Демократик янгиланиш жараёнида

### партиямиз ташкилотлари ва депутатлар биргаликда ҳаракат қилиши зарур

Президентимиз илгари сурган Концепцияда давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар мавқеини кучайтириш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Уларни ҳаётга татбиқ этиш сиёсий партияларнинг электорат манфаатини ҳимоя қилиш, дастурий мақсадларини амалга ошириш имкониятини янада мустаҳкамлайди.

Хоразм вилоят партия кенгаши пленумида бунга алоҳида эътибор қаратилди, шундан келиб чиқиб, Концепцияни амалга оширишда вилоят партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари зиммасидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Айни пайтда, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ ташаббуслар билан чиқиши ҳамда ечим топиши учун курашиши лозим.

Концепцияда маҳаллани манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатлар муносиб ҳисса қўшиши керак. Бунинг учун, аввало, партия электорати вакиллари орасида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш, бунда ахборот-ресурс марказлари имкониятларидан унумли фойдаланиш яхши самара беради. Мазкур жараёнда «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотларининг ҳам иштирок этиши учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим, албатта.

Пленум кун тартибидаги масалалар бўйича вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Савриёз Ишчанов партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўтган йили амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берди.

Пленумда сўзга чиққанлар партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклиф билдиришди.

**Азамат АБДУЛЛАЕВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси:**

— Пленумда ёшларнинг фаоллиги мени қувонтирди. Улар билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифлар қанотимиз ишини ривожлантиришга асос бўлади. Уйғоқ фикрли, интилувчан ёшлар орасидан ёш сиёсатчиларни тайёрлаш борасидаги ишимизни такомиллаштиришимиз зарур.

**Ўктамбой СОБИРОВ, ЎзХДП Хонқа туман кенгаши раиси ўринбосари:**

— Ҳар биримиз фаол бўлсак, зиммамиздаги вазифаларни сидқидилдан бажарсак, иш юришади, партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошади. Ўтган йили олдимизга импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга амалий кўмак бериш вазифасини қўйгандик. Бу борада муайян натижаларга эришдик.

**Партиямиз фаоли Хушнуд Бекметов саъй-ҳаракати билан «Хонқа-чевар» МЧЖ ташкил этилиб, 41 нафар тикувчи иш билан таъминланди, 21 нафар касаначи фаолият бошлади. Ўз ишини ташкил қилмоқчи бўлган электорат вакилларини ҳамжиҳатликда қўллаб-қувватласак, бундай амалий ютуқлар албатта кўпаяди.**

Айтилган фикрлар муҳокама этилди, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

### Эътироф

— Ўзбекистонга биринчи келишим. Самарқандни томоша қилдим. Бу қадимий шаҳар ҳақида китобларда, матбуотда кўп ўқиган эдим. Лекин ўз кўзинг билан кўрганинг бошқача экан. Тарихий ёдгорликлар, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, одамларнинг ширин муомаласи, бизга кўрсатилган иззат-икром — буларнинг барчасини таърифлашга тил ожиз. Биз каби сайёҳларнинг саёҳати мароқли ва мазмунли ўтиши учун барча шароитлар яратилган.

Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор мамлакатингиз иқтисодиётининг мунтазам ривожланишида муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз».

**Лаберт НОРМАН** ***(Австралия)***

## Бандлик — доимий эътиборда

Тошкент халқаро вестминстер университетида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбирда университет битирувчилари, профессор-ўқитувчилари, иш ўринларини таклиф этган элликдан зиёд ташкилот ва идора, фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

Ўтган йили университетни тамомлаган талабаларнинг 87 фоизи иш билан таъминланган. Бу борада университет ҳузуридаги «Меҳнат маркази» мамлакатимиздаги кўплаб нуфузли компания ва фирмалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Меҳнат ярмаркаси битирувчиларга иштирокчи фирма ва компаниялар фаолияти билан яқиндан танишиш, иш таклиф этувчиларга эса юқори малакали кадрлар танлаш имконини берди.

### Хушхабар



## Ульянанинг бронза медали

Грецияда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг учинчи босқичи ўтказилди. Унда моҳир гимнастикачимиз Ульяна Трофимова тўп билан машқ бажаришда бронза медалига сазовор бўлди.

## Оилавий тадбиркорлик — фаровонлик кафолати



**Қуватбай ҚУРБАНБАЕВ,**
*ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.*

Иқтисодиётимизни ривожлантириш бўйича яратилган соғлом муҳит, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватланиши янги иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқди. Бу, айни пайтда, бандликни таъминлаш имконини янада кенгайтириб, аҳолини ижтимоий фаолликка ундамоқда.

⇨2



## Муқаддас неъмат

*уни асраш келажакни асраш демакдир*

⇨3

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

ХХР савдо вазири ва Хитой ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари ташриф асносида имзоланган Сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ғоят долзарб ва муҳим аҳамиятга эга ҳужжат эканини таъкидладилар.

Хитой Эксимбанки ва Давлат банки раҳбарлари Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу яна бир карра ўз тасдиғини топганини қайд этдилар.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкига умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг янги кредит линиялари очилганини маълум қилди.

Шунингдек, Хитой Халқ банки билан Ўзбекистон Марказий банки ўртасида сўм ва юань айирбошлаш тўғрисида битим имзоланди. Бу сармоя ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари билан бўлган музокаралар икки томонлама муносабатлар жадал ва изчил ривожланаётганини ҳамда устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини ёрқин намоён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой иқтисодиётининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қоплаш учун Ўзбекистондан стратегик хомашё товарларни етказиб бериш сезиларли даражада кенгайтирилгани учун миннатдорлик билдирди. Бунинг натижасида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми сўнгги беш йилда тўрт баробардан зиёдроқ ошди.

Бу борада Хитойга узоқ муддатли ва муттасил равишда пахта толаси, табиий газ, уран концентрати, рангли металлар, нодир ва камёб элементлар, минерал ўғитлар каби стратегик товарлар етказиб беришни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан томонлар Стратегик товарлар савдоси тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг амал қилиш муддатини 2020 йилгача узайтиришга келишиб олдилар.

ХХР раҳбарияти ташриф асносида «Ўзбекистон-Хитой» газ қувурининг учинчи тармоғини барпо этиш тўғрисидаги битим имзолангани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу тариқа қувурнинг газ узатиш қуввати йилига 25 миллиард куб метрга етказилади.

Давлатлар раҳбарлари стратегик материаллар етказиб бериш борасидаги ҳамкорлик принципиал аҳамиятга эга бўлса-да, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадида мамлакатимизга юқори технологияларни жалб қилиш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ижроси эканини қайд этдилар.

Ташриф доирасида кимё, нефть-газ, энергетика, транспорт соҳаларида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар, жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини барпо этиш, Ангрен шаҳрида автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, конвейер лентасини ишга тушириш, шунингдек, бутадион каучук, суюлтирилган табиий газ, метанол, монохлоруксусли кислота ишлаб чиқариш, иссиқлик электр станцияларида янги энергия блоклари қуриш, кўмир саноатини модернизация қилиш ва ривожлантириш, замонавий электровозлар етказиб бериш каби йўналишларга қаратилган.

ХХРнинг етакчи телекоммуникация компаниялари — «Хуавей» ва «ЗТЕ» билан қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Хитойни боғлайдиган ишончли коридорлар барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шарқий Хитой — Навоий аэропорти — Европа ҳаво йўлини очиш ҳамда Ўзбекистон ва Хитойни энг қисқа йўллар билан боғлайдиган темир йўл магистралини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз юритар экан, Хитой Ўзбекистонни узоқ муддатли асосда ҳамкорлик қиладиган ишончли шерик, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Ташрифнинг яна бир муҳим натижаси Ўзбекистон билан ХХР ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилади.

Ташриф якунларига доир энг муҳим ҳужжат давлатлар раҳбарлари имзолаган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларация бўлди. Унда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни узоқ муддатли асосда ривожлантириш истиқболларига берилган баҳо ўз аксини топган.

Томонлар БМТ ва бошқа етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасидаги конструктив ҳамкорликдан мамнуният изҳор этдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, савдо-иқтисодиёт, сармоя, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг пухта ўйланган вазмин ва оқилона сиёсатини, ягона Хитой масаласи бўйича принципиал позициясини, «уч ёвуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши муросасиз курашини ҳамиша қатъий қўллаб-қувватлайди.

Хитой томони Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари борасидаги ташвишларини тўлиқ англашини маълум қилди.

Умуман, ташриф асносида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 25 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида бир қатор сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун ХХР Раиси Ху Цзиньтаога миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди ва бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# КОНЦЕПЦИЯ

**Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.**

## Оилавий тадбиркорлик — фаровонлик кафолати

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Маълумки, Президентимиз илгари сурган Концепцияда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. **«Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади»**.

Таъкидлаш керакки, ўтган йиллар мобайнида кичик бизнес субъектларининг қонуний асосини мустаҳкамлаш, унга кенг ва қулай шароит яратиш учун катта ишлар қилинди. Шу боис тадбиркорлик билан шуғулланувчилар йил сайин кўпаймоқда, улар юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Биргина 2010 йили Қорақалпоғистонда ташкил этилган янги иш ўринларининг 75 фоизи бевосита кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида соҳани ривожлантириш, бунинг учун режани янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳудудий дастурларга киритиш масаласи белгиланган. Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармасига, тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уй меҳнатини ташкил этиш учун имтиёзли микрокредитлар миқдорини кўпайтириш, шунингдек, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан жойларда олиб борилаётган ишларни маҳаллий кенгашлардаги депутатлар мунтазам назорат қилиб бориши зарур.

Шунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самараси ортади, жамият ривожи, унинг кафолати мустаҳкамланади. Қишлоқ ва овулларимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кўпаяди, хизмат кўрсатиш соҳаси кенгаяди. Муҳими, одамлар бир-биридан ўрнак олади, тажриба ўрганади, аҳолининг фаоллиги ортади.

Бу борада мисоллар жуда кўп. Хўжайлилик Мурат Матқурбанов этикдўзлик билан шуғулланади. Бу йил у «Ташаббус-2011» танловида қатнашиб, Қорақалпоғистон Республикасида «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди. Ёшнарбек Сейтниязов дурадгор уста. Эшик, дераза, дарвоза ва бошқа хўжалик буюмлари ясайди. Унинг турмуш ўртоғи Гулзира Есеметова тикувчиликни йўлга қўйган.

Тахтакўпир туманида Улбосин Аннабоева «Раъно» кичик корхонасини ташкил этди. У ерда болалар боғчалари ва бошқа кўплаб ташкилотлардан буюртмалар олиб, кўрпа-ёстиқ, турли тўшама ва кийим-кечаклар тикиб бераяпти. Элликқалъалик ҳунарманд Раманберди Жабборов чопон, тўн, чўгирма каби миллий кийимлар тикаяпти. Шу тумандаги Шерзод Абдуллаев тиббиёт муассасалари ходимлари учун махсус халатлар етказиб бераяпти.

Қаранг, шу тариқа маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар ҳудуд эҳтиёжини қондираяпти. Бозорга, яъни талабга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш тажрибаси ортаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Касаначилик тўғрисида»ги Низом аҳолини уй меҳнатига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратди.

Маълумки, касаначилик — иш берувчининг буюртмасига кўра маҳсулот тайёрлашни ўзининг уй хўжалигида ташкил қилишга асосланган фаолият. Касаначилик, яъни уй меҳнати билан шуғулланиш ҳам рўзғорга, ҳам корхонага фойда. Касаначи корхона билан меҳнат шартномаси тузганда, расмий жиҳатдан банд аҳоли тоифасига киради. Унга тегишли тартибда меҳнат дафтарчаси юритилади. Энг муҳими, меҳнати қонуний муҳофазага олинади.

Касаначилик асосида фаолият бошлаган электоратимиз вакиллари кейинчалик ишини кенгайтириб, кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни йўлга қўяётгани қувончли, албатта.

Шу ўринда қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар меҳнатини ҳам қонуний кафолатлаш, улар учун тегишли имтиёзлар яратиш лозим, деб ўйлайман. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва чорвачилик соҳаларига оилавий тадбиркорликни кенг татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, томорқа ҳудудида иссиқхона қуриш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу, оилавий тадбиркорлик қамровини кенгайтиришга хизмат қилади, айни пайтда, маҳаллий бозорнинг мўл-кўлчилигини оширади.

Оилавий тадбиркорлик фарзандларимизнинг меҳнатга муносабатини шакллантириш, янгиликка интилишини кучайтириш, ўз мустақил фаолиятини ташкил этиш, касб сирларини мукаммал эгаллашга рағбатлантиради.

Юртимизда қадимдан оилавий тадбиркорлик эъзозланган. Мамлакатимиз раҳбарининг Концепцияда илгари сурган қонунчилик ташаббуслари шу қадриятнинг барқарор ривожланиши учун ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди, оилавий тадбиркорлик гуллаб-яшнаши учун шароит яратиб, турмуш фаровонлигини оширади.

**Бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармасига, тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уй меҳнатини ташкил этиш учун имтиёзли микрокредитлар миқдорини кўпайтириш, шунингдек, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган.**

### ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## Ташаббус ва фидойилик кўрсатиш ўзимизга боғлиқ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Сурхондарё вилоятида «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзуига бағишланган семинар ўтказилди. Термиз шаҳрида ўтган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Ўқувда Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти, уни кенг жамоатчиликка етказиш, таклиф этилган ғоя ва қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш бўйича депутатлар зиммасидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида ЎзХДП вакили бўлган 30 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 205 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги, қишлоқ жойларда ижтимоий ва коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш, мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида кўпгина ишлар қилмоқда.

Ўтган йили маҳаллий Кенгашлар депутатлари партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари билан ҳамкорликда ҳал этиш бўйича муайян натижаларга эришди.

Жойларда кишиларни ўйлантираётган муаммолар ечими бўйича амалий таклифлар ва ташаббуслар билан чиқишмоқда. Йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун мутасадди корхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориб, уларнинг натижалари депутатлик гуруҳлари ҳамда доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилаётир. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар сессиялар муҳокамаларига киритилаяпти.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўтган йил декабрь ойида бўлган сессиясида депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорининг ижросини кучайтириш масаласи кўриб чиқилди. Атрофлича муҳокамадан сўнг бу масала юзасидан вилоят Кенгаши қарор қабул қилди.

**Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича қилинаётган ишларни ўрганди. Бу масала туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди.**

— Замонавий уйлар ҳар жиҳатдан пишиқ ва пухта қурилиши лозим, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов. – Аммо баъзи жойларда бу борада камчиликлар кўзга ташланди. Мазкур масала сессияда кўрилгач, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Қурилиш ишларининг сифати бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилди…

Аммо айрим туман партия кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Шу сабабли ўша ҳудудларда партиямиз дастурий мақсадларига дахлдор масалаларни ўрганиш ва ечими бўйича амалий таклиф билдиришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Жумладан, Шўрчи, Қизириқ туман партия кенгашлари ва маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари бу масалага совуққонлик билан қарамоқда. Натижада ўтган йил давомида туман Кенгашлари сессияларига бирор-бир жиддий масала киритилган эмас.

Шу боис, семинарда сўз олганлар депутатларнинг амалий фаоллигини ошириш, қонуний ваколатлардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва мулоҳаза билдиришди. Таъкидландики, маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини янада кучайтириш, бу борада манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Шу билан бирга, турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, айни пайтда, ечим топишда маҳаллий ҳокимият идоралари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликка таяниш зарур.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Фуқаролик жамияти институтлари

### *молиявий қўллаб-қувватланмоқда*

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асослари, қонунчилик тизими шаклланди ва тобора мустаҳкамлаб борилмоқда. Бунинг натижасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожланмоқда. Бундан йигирма йил олдин улар сони бор-йўғи 200га яқин эди, 2000 йилга келиб 2300 тани ташкил этди. Бугунги кунда эса 5200 дан ортиқ ана шундай ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Давлат томонидан молиялаштиришнинг самарали механизми вужудга келгани улар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Миллий матбуот марказида ўтказилган брифингда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти ҳақида ахборот берилди.

Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтганини, унда комиссиянинг 2011 йилдаги фаолият Дастури кўриб чиқилганини таъкидлади. Жумладан мазкур ҳужжатда Президентимиз тақдим этган Концепцияда белгилаб берилган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифалар ўз аксини топган.

Брифингда қайд этилганидек, Парламент комиссиясининг фаолияти, авваламбор, давлат бюджетидан фуқаролик жамияти институтларига ажратилаётган маблағни очиқ-ошкора ва манзилли, энг муҳими, демократик тарзда тақсимлашга қаратилгани ННТ фаолиятини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш керакки, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватланади. Аммо аксарият мамлакатларда маблағ ижро ҳокимияти тузилмалари орқали берилади. Ўзбекистонда ННТга маблағ Парламент комиссияси томонидан ажратилиши ҳам демократиянинг ўзига хос кўринишидир.

Комиссия фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шериклик асосида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Шу сабабли ҳам 2011 йилда фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бунинг учун жорий йилда 5 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.**

Маълумот учун айтиб ўтиш керакки, кейинги уч йилда фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратди. 2010 йилда Парламент комиссияси фуқаролик институтларининг 500 дан ортиқ лойиҳасини кўриб чиқиб, умумий қиймати 4,5 миллиард сўмлик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштирди, турли йўналишлар бўйича 5 та грант танлови ўтказди.

Брифингда, шунингдек, комиссия фаолияти балан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида ҳам ахборот берилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

# Концепцияда белгиланган вазифалар

## янгича ишлашни тақозо этади

Ҳаёт ўзгармоқда, давр олдимизга янги вазифалар қўймоқда. Президентимиз илгари сурган Концепциядаги ғоя ва қонунчилик ташаббуслари инсон манфаатларини таъминлаш, юрт тараққиётига қаратилгани фаолиятимизни тубдан яхшилашга замин яратади. Демак, шунга муносиб ҳаракат қилиш, ҳаёт фаровонлигини ошириш учун амалий ташаббус кўрсатиш, таклифлар билан чиқиш зарур.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзуидаги ўқув-семинарда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини жонлантириш, депутатларнинг ўз сайлов округларидаги ишларини такомиллаштириш, электоратни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда ташаббускорлиги ва қатъийлигини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Семинарда парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент вилоят партия ташкилотлари раислари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ҳамда фаоллар иштирок этди.

— Маълумки, Концепция асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда сиёсий партиялар имкониятини янада кенгайтиради, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Аммо бу имкониятдан самарали фойдаланиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари доимий ҳамкорлик қилиши, бир тану бир жон бўлиб ишлаши керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Абдуманноб Раҳимов, Алия Юнусова ҳамда Шуҳрат Турсунбоев мавзу бўйича фикр билдирар экан, вилоятда электоратни ўйлантираётган айрим муаммолар, уларни ҳал этишда тегишли маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги вазифаларга эътибор қаратди, қонунлар ва давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш борасидаги янги вазифалар ҳақида сўз юритишди.

— Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмаслик, кўтарилган масалаларнинг мониторингини юритиш ҳамда уларни ечиш учун депутатлик гуруҳи аъзолари биргаликда ҳаракат қилиши яхши самара беради, — деди Алия Юнусова. — Муайян муаммо сабабларини ўрганиш жараёнида маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат ташкилотларини ҳаракатга келтириш орқали электоратни қўллаб-қувватлаш имконияти янада кенгаяди. Бу, ўз навбатида, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни, айни пайтда, таклифлар пухталигини талаб этади.

— Маҳаллий ривожланиш дастурларини шакллантириш жараёнида депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур, — дея таъкидлади Шуҳрат Турсунбоев. — Аммо маҳаллий Кенгашлардаги аксарият депутатлар бу жараёндан четда туради, айримлари эса бехабар қолади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бундай депутатлар ўзи сайланган ҳудуддаги муаммоларни яхши билмайди, тўғрироғи, бефарқ қарайди ёки, аксинча, ташаббус билан чиқса ҳам унинг ҳал этилишини назорат қилмайди. Шунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари билан парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳамкорлигини янада кучайтириш керак. Депутатлар маълум ташаббус билан чиқиб, бир-бирини қўллаб-қувватласа, одамлар ва жамиятга кўпроқ фойдамиз тегади.

Тадбирда сўз олган Оҳангарон шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Алижон Акбаров ҳамда Қибрай туман партия кенгаши раиси, туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Иброҳим Саидов ўтган йили бажарилган ишлар, хусусан, депутатлик гуруҳлари йиғилишларида кўрилган масалалар, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича ахборот берди. Келтирилган маълумотлар таҳлил қилиб кўрилса, депутатлик гуруҳлари йиғилишларида муҳокама қилинган масалалар бўйича эришилган аниқ натижалар ва ҳаётий ташаббуслар камлиги аён бўлади.

Семинарда сўзга чиққанлар, шунингдек, Концепция ғоялари асосида ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳаларининг ҳар жиҳатдан пишиқ бўлиши, уларда электорат манфаатларини ифода этиш масаласида Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари маслаҳатлашувларини кучайтириш, депутатлик сўрови юбориш, унинг натижалари билан ишлаш ва маҳаллий депутатлар фаолиятини тубдан яхшилашга доир бошқа муҳим масалалар бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди.

Ўқув-семинарда айтилган таклиф ва тавсиялар асосида вилоят партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депуталик гуруҳлари олдидаги янги вазифалар белгилаб олинди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Депутатлар мулоҳазаси

# Муқаддас неъмат

## уни асраш келажакни асраш демакдир



**Искандар АЗИЗОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

Сувни тоза, покиза сақлаган миллатнинг ўзи ҳам, қалби ҳам тоза, покиза бўлади. Сувни асрамоқ — бу миллатни асрамоқ, авлод давомийлигини таъминламоқдир. Чунки тоза, сифатли сув — соғлом авлод, баркамол миллат демак. Ўз миллати, она Ватани, фарзандларининг соғлом, бақувват бўлиб ўсишини ўйлаган ҳар бир одам сувни қадрлаши ва беҳуда сарфламаслиги лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сувдан оқилона фойдаланиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда мавжуд сув иншоотлари, сув омборлари, каналлар, ариқлар, зовурлар таъмирланаяпти, тозаланаяпти, янгилари қурилаяпти.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 1997 йилда нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида Орол аҳволининг танглиги инсоният тарихидаги энг катта фожиа эканини афсус билан таъкидлаб, шундай деган эди: *«Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди... Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлиги, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим».*

Собиқ иттифоқ даврида сувни тежаш, увол қилмаслик, тозалигини сақлашга унчалик аҳамият берилмай қўйган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ сувга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгара бошлади. Республикамизнинг барча табиий бойликлари, жумладан, ҳар қатраси гавҳарга тенг сув ҳам ўз қадрини топди.

1993 йили Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солиш, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг атроф-муҳитга салбий таъсири олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бу тарихий қонунда сув давлат мулки — умуммиллий бойлиги экани, у давлат томонидан муҳофаза этилиши алоҳида таъкидланган. Бу қонун ва меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда сувга моддий, маънавий ва маданий тараққиёт омилларидан бири сифатида қаралишини кўрсатади.

Ўзбекистон сув захираларининг 85 фоизи қўшни давлатларда шаклланиб (тоғлардаги қорликлар, музликлар эриши натижасида) бизнинг ҳудудга оқиб киради. Азал-азалдан Марказий Осиё халқлари ҳамжиҳатликда умр кечириб, сув захираларини тежаб, сифатини бузмай фойдаланиб келган. Сувга бўлган бундай ижобий муносабат уларнинг муштарак менталитетига айланган, натижада сувни тежаш, сифатини бузмаслик билан боғлиқ бой тажриба ва малака шаклланган. Шундай қилиб, Марказий Осиё халқларининг сув захираларидан биргаликда ва ҳамжиҳатликда фойдаланиш йўлидаги одоб-ахлоқ қоидалари қадимдан ривожланиб, мустаҳкамланиб, асрлар оша яшаб келган.



**Аҳад АҲМЕДОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

Биз кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сув ҳам, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун сарфланадиган сув ҳам бир манбадан олинади. Яъни, у чучук сув. Шундай экан, сувга муносабатимизни янада ўзгартирмасак, хусусан, сувни тежаш ва асраш борасида тарихий тажрибага суяниб янги йўлларни излаб топмасак, яқин 10-20 йил ичида одамлар учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам жуда қийин бўлиши мумкин. Чунки сув манбалари беҳисоб эмас, чекланган. Сув тақчиллигининг ортиши билан ўз-ўзидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи ҳам кўтарилиб бориши аниқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига қараганда, 2030 йилга келиб ер юзида аҳолининг сони 8,5 миллиардга етади. Агар шундай ҳол юз берса, яна қўшимча 2 минг км.куб ичимлик суви керак бўлади. Шунча сувни топиш учун қанча куч ва маблағ, қанча саъй-ҳаракат зарур бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти директори Франк Рийсберманнинг фикрига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ Яқин Шарқ ва Африканинг баъзи бир давлатларида озиқ-овқат ишлаб чиқариш таъминоти учун мўлжалланган ичимлик суви захиралари жуда оз қолган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2007 йилнинг декабрида Япониянинг Беппу шаҳрида бўлиб ўтган улкан анжуманида ҳозирги вақтда ер юзи аҳолисининг чорак қисми сув тақчил бўлган минтақада ҳаёт кечираётгани, 1,1 миллиард нафар одам тоза ичимлик сувидан бенасиб эканини ташвишланиб айтган эди. Шунингдек, «Гильдия экологов» ташкилотининг директори Вячеслав Паньков сув танқислиги Африка ва Осиё давлатларида янада яққол сезилиб қолганини қайд этган.

Сувни асраш, тозалигини сақлаш, унинг увол бўлиши, беҳуда сарфланишига йўл қўймаслик учун бир қатор йирик давлатлар ўзаро ҳамжиҳатликда турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. ЮНЕСКОнинг қарори билан ҳар йили 22 март Халқаро сув куни сифатида нишонланиши ҳам бежис эмас, албатта.

Халқимиз қадимдан ёз фаслида сув байрами ўтказиб келган. Бинобарин, Марказий Осиё халқларининг сувга бўлган ҳурмат ва эътиқодини бир қатор миллий байрам ва маросимларнинг ўтказилишида ҳам кўриш мумкин. Бундай эзгу ҳаракат ўз ўрнида халқимизнинг сувга ҳурматини янада мустаҳкамлаган.

Сувнинг тозалигини сақлашга, уни тежаб сарфлашга ҳаммамиз маъсул бўлишимиз, ўзимизни сафарбар этишимиз, бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз керак.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳаётимизнинг негизи бўлган сувни келгуси авлодларга тоза ва сифатли тарзда етказиш учун бизга уч омил ниҳоятда зарур. Биринчидан, сувдан оқилона фойдаланиш, уни беҳуда сарфламаслик, тежаш ва яна тежаш даркор. Иккинчидан, сувнинг софлиги ва сифатини сақлаш, унинг ифлосланишига, булғанишига қарши қатъий курашиш зарур. Учинчидан, сувга бўлган пок эътиқодимизни янада мустаҳкамлаш керак.

Янги бренд:

# ЯНГИ имкониятлар, хизматлар

Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида «Ўзбектелеком» АК ривожланиш истиқболлари, компаниянинг халқаро фаолияти ва янги UZTELEKOM брендининг татбиқ этилиши»га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Ўзбектелеком» АК бош директори Махсум Маҳмудов компаниянинг 2011 йилдаги режаларига тўхталди. Унга кўра 70 минг абонент сиғимига эга кенг полосали интернет хизматларини тақдим этиш, Термиз, Қарши, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарларида 10 Гбит/с гача маълумотлар узатиш транспорт тармоғини кенгайтириш ҳамда модернизация қилиш, оптик технологиялар ёрдамида уйгача мультисервис хизматларини тақдим этишни янада ривожлантириш учун ускуналар ўрнатиш ва бошқа ишлар ҳақида фикр юритди.

Шимолий минтақа ва Фарғона водийсида миллий контент (ахборот ресурслари) инфратузилмасини кенгайтириш учун Дата-марказида энг янги ускуналар ўрнатилиши «Электрон таълим» миллий тармоғида, кейинчалик академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини ушбу тармоққа улаш билан мамлакатнинг барча олий таълим муассасаларида кенг полосали ҳамда интернет-технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича катта имкониятлар очилади.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, «Ўзбектелеком» жорий йилнинг охирига қадар мижозларга симли телефон алоқаси, интернет хизматлари, CDMA-450 стандартидаги мобиль алоқа хизматлари каби барча телекоммуникация хизматлари тўпламини «Ягона ойна» тизимида кўрсатиш имкониятини берувчи мамлакат бўйлаб 50 та брендлаштирилган абонентлик пунктларини ташкил этишни режалаштирган.

Маълумки, «Ўзбектелеком» компанияси ва инфратузилмасининг фаол ривожланиши, унинг ижобий имижини шакллантириш ҳамда ягона визуал стандартларини жорий этиш мақсадида янгиланиш ягона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Шунга мувофиқ компаниянинг тўла миқёсли ребрендинги бўйича ишларни амалга ошириш доирасида янги визуал логотип, хизматларнинг ягона бренд номи UZTELEKOM — (бош бренд), суббрендлар тизими, фирма услуби, ҳужжатлари, корпоратив, сувенир ва реклама-ахборот маҳсулотлари стандартлари яратилди.

Натижада «Ўзбектелеком» АК халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишланган тўлиқ бренд атрибутлари комплексига, шунингдек, асосий бренд ва суббрендларни ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясига эга бўлди. Унга мувофиқ UZTELEKOM — «Ўзбектелком» АК хизматларининг бош бренди UZMOBIL ва UZ-ONLINE компания суббрендлари қилиб белгиланди.

Матбуот анжуманида нафақат бренд ўзгарганлиги, балки мижозларга кўрсатиладиган хизматлар савдоси тизими ҳам тубдан янгиланаётганлиги алоҳида таъкидланди.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Модернизация

Бухоро шаҳридаги «Ипатия» масъулияти чекланган жамиятда модернизация ишлари якунланди. 100 миллион сўмлик замонавий технологик ускуналар ўрнатилгани туфайли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати ортди.

— Ҳозир биз кунига 1,7 тонна унни қайта ишлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Шуҳрат Ҳайдаров. — Техник янгиланишдан сўнг қолипли нон ишлаб чиқариш ҳажми ошди, сифати янада яхшиланди.

• • • • •

«Асртекс» масъулияти чекланган жамият Олот туманидаги кўзга кўринган енгил саноат корхонасидир. Унда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун янги технологиялар ўрнатилди. Ўтган йили 500 минг евро ҳисобига Швейцариянинг «Bitter» компаниясидан ип-йигирув ускуналари олиб келинди. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангач, корхонада маҳсулот миқдори ва сифати ортди. Айни кунда 2700 тонна пахтадан 2000 тонна сифатли ип-калава тайёрланмоқда.

**Лазиза ШЕРОВА**

Хорижда

## Сайловдан сўнг

***Нигерияда президент сайловидан сўнг рўй берган тартибсизлик камида 33 нафар одам умрига зомин бўлди.***



Халқаро қизил хоч жамғармаси маълумотига кўра, Шимолий Нигериянинг бир неча йирик шаҳарларида қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Президент сайловида Шимолий Нигериянинг оз сонли христианларига мансуб Гудлак Жонатан енгиб чиқди, деб эълон қилингач, мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилувчи мусулмонлар сайлов натижаларини холис кузатувчилар қайта ҳисоблаб чиқишини талаб қилган. Бу ишда холислик бўлмагани учун Нигериянинг аксарият шимолий штатларида норозилик ва тартибсизлик келиб чиққан. Кузатувчиларнинг фикрича, зудлик билан адолат қарор топмаса, қурбонлар сони ортиши мумкин.

## Европа сафари

***Ливия Муваққат Кенгаши раҳбари Мустафо Абдул Жалил Европа сафарини давом эттирмоқда.***



Ўтиш даври ҳукумати раиси Италияда, Рим шаҳрида «Озод Ливиянинг янги раҳбари» сифатида қабул қилинди. У ерда Абдул Жалил Италия президенти Жоржо Наполитано ҳамда бош вазир Силвио Берлускони билан нефть маҳсулотлари олди-соттисининг ҳуқуқий механизмини муҳокама қилди.

Шунингдек, Париж шаҳрида ҳам Ливия ўтиш даври ҳукумати бошлиғини Франция президенти Николя Саркози расман қабул қилди. Улар янги давлат қуролли кучлари тузилиши ва ташқи иқтисодий алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашди. Европа сафари давомида Мустафо Абдул Жалил «Ливия билан ҳамкорликда Италия, Франция ва Қатар устуникка эга бўлиши»ни таъкидлади.

## «Тойота»нинг инқирози

***Япониянинг йирик «Тойота» автоконцерни Шимолий Америкадаги 14 корхонаси фаолиятини тўхтатди.***

Зарур эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли концернинг барча заводларида душанба ва сешанба кунлари иш тўхтаб қолди. Ҳафтанинг фақат уч кунида ишлаётган автомобиль йиғувчи конвейерларда ҳам тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳажми 30 фоиздан ярим бараварга қисқарди. Концерн раҳбариятининг таъкидлашларича, бу қисқаришлар ёзгача давом этади. Японияда техник қисмлар етказиб бериш жараёни тиклангач, вазият яна изга тушиши мумкин. Кунчиқар юртда табиий офат содир бўлган 11 мартдан буён концерн режада кўзда тутилганига нисбатан 200 мингта кам машина ишлаб чиқарган.

Тиббиёт масканларида

# Соғлом оила тарғиботи

Президентимизнинг 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш Дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, шу тариқа соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан Республика репродуктив саломатлик марказининг Бухоро вилоят филиалида эътиборга молик қатор ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида 250 нафардан ортиқ аёл маслаҳат учун марказга мурожаат қилди. Шундан 30 нафардан ортиғи тиббий текширувдан ўтказилди. Уларда аниқланган касалликлар бўйича даволаш ишлари олиб борилди.

— Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш соғлом оилани шакллантиришнинг муҳим омилидир, — дейди марказ раҳбари Нодира Холова. — Агар ота-она маънан ва жисмонан соғлом бўлса, оилада дунёга келадиган фарзанд ҳам соғлом бўлади.

Марказ томонидан маҳаллаларда, таълим муассасаларида ҳам мунтазам равишда «Репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг оқибатлари», «Соғлом турмуш тарзи», «Соғлом оилани шакллантириш», «ОИТС» ва «ОИВ» нима» каби мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилди.

**Лазиза ШЕРОВА**

Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.



Юртимиздаги юқумли касалликларга қарши курашнинг миллий тақвимига кўра, ўн турдаги хасталик бўйича болалар мунтазам эмланмоқда. Бу тадбирлар тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилиб, эмлаш бепул ўтказилаётир.

***Хусусан, беш ёшгача бўлган болаларни полиомиелитга қарши эмлаш 18 апрелдан бошланган эди. Бу тадбир 23 апрелга қадар давом этади. Сиз фарзандингизни эмлашга олиб бордингизми?***

Қадр

# Умрим ҳикоялари

Муқаддас Абдусаматова матбуотимиз фахрийларидан. У ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида ёшлар газетасида фаолият кўрсатди. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг қаламига мансуб бир қатор тўплам ва китоблар турли йилларда нашр этилган.

Яқинда журналист-ёзувчининг «Умр — ипга терилган маржон» номли китоби «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди. Ундаги мўъжаз қатралардан баъзи бирларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

### КЎЗ

Тонг. Умримнинг йигирма олтинчи баҳори тонги. Ана шу тонг оғушида хонадонимизда кечагина оламга келган гўдак овози янгради. Унинг йиғиси шу дам бутун борлиққа ёқимли куйдек таралди. Оналик меҳрим жўшиб, уни бағримга босдим. Нуридийдам меҳримдан қонар экан, қўлим билан оҳиста юзларини силадим. У кўзини очиб менга тикилди. Назаримда мен учун бутун борлиқ худди шу дамда уйғонгандек эди...

### СЎЗ СЕҲРИ

Она шунақа бўлар экан. Аввал кўзининг очишини пойлагандим. Энди туну кун у билан овораман. Кун бўйи юз-кўзига тикилсам ҳам, назаримда ундаги ўзгаришларнинг ҳаммасини билмаётганга ўхшайман. Энди тезроқ тилга киришини кутаман.

Куз кунларидан бирида биринчи бор «ая» дегандек бўлди. Яна қайтаргин деб илтижо қилдим. У ҳам тушунгандек такрорлади. Худди шу сўз билан фарзандим мени ўзига қанчалик сеҳрлаганини ҳамон кечагидек эслайман.

### ҚАДАМ

Аёл гўзаллиги фарзанд билан дейишади. Чиндан ҳам усиз ўзимни тасаввур қилолмай қолдим. Чала-чулпа «ая», «дада» сўзлари ишхонада ҳам, кўчада ҳам қулоғим остида. Энди унинг юришини, тезроқ юра қолишини пойлайман. Кўча-кўйда кичкинтойларнинг юрганини кўриб ҳавас билан қарайман, қизим ҳам қачон шуларга ўхшаб юраркин, деб орзу қиламан. У кунга ҳам етишдим.

Олтин япроқлар ерга гиламдек тўшалган пайтда у заминга қадам қўйди. Мен қулочимни очаман, у бўлса беш-олти қадам ташлаб қиқирлаб бағримга отилади. Ҳар иккимизнинг қувончимиз оламга сиғмаганди ўшанди.

### БАҲО

Ойлар йилларни қувлаб ўтди. Мен фарзандимнинг тезроқ катта бўлишини кутиб, йиллар ўтганини сезмай қоламан. Чиройли кийимлар кийиб мактабдан қайтаётган болаларни кўриб кўзим қувонади. Бу кийимлар қизим Матлубага ҳам жуда ярашиб туришини хаёлан кўз олдимга келтираман. Ниҳоят, уни мактабга кузатдим. Бахтимдан ўргилай, у бирам ўқишга ихлосманд чиқдики, ҳар сўзининг бирида «аъло»чи бўламан дерди. Чиндан ҳам илк бор «беш» баҳо олиб эшикдан «суюнчи» деб кирганида кўзларимда ёш қалқиди. Шу кундан бошлаб ҳар сафар мактабдан келганида «неча баҳо олдинг» деб сўраш менга одат бўлди.



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# Коллеж битирувчиларига иш тайёр

Наманган тумани хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежини бу йил 390 йигит-қиз битиради.

Коллежда автоматлаштирилган тизимларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва созлаш йўналишида малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича «Нестле» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчиларнинг бир гуруҳи амалиётни ушбу корхонада ўтамоқда.

Жорий йилда битирувчиларнинг ўн нафари мазкур қўшма корхонада иш билан таъминланиши режалаштирилган. Шунингдек, «Бунёдтекстиль», «Турон замин», «Идеал» корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилган.



Янгиликлар

## Самарқанд:

# Меҳнат ярмаркаси

Самарқанд миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда шаҳардаги 61 та корхона ва ташкилот ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

— Самарқанд таянч тиббиёт коллежини битирганман. Ярмаркада мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлдим ва иш билан таъминландим, — дейди Ҳилола Раҳмонова.

— Тадбир давомида касб-ҳунар коллежларини битирган юз нафардан зиёд ёшлар иш сўраб мурожаат қилган бўлса, уларнинг асосий қисми билан меҳнат шартномаси тузилди.

# Коммунал тўлов тизимида

Самарқанд вилоят коммунал тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бу, аввало, фуқаролар томонидан коммунал тўловлар вақтида амалга оширилаётганида кўринмоқда.

Албатта, тўлов мунтазам бажарилиши учун табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви сингари аҳоли эҳтиёжи учун зарур тармоқларнинг истеъмолчиларга етказиб берилишидаги муаммоларни бартараф этиш зарурияти кун тартибида долзарб бўлиб турган эди.

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда замонавий газ ва электр ўлчагичлар ишлаб чиқилди. Ва бу электрон ҳисоблагичлар босқичма-босқич ўрнатилмоқда.

Жомбой туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинидаги 522 та хонадонга ҳам замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилди.

— Янги ҳисоблагичнинг қулайлиги жуда кўп. Биринчидан тўловни шу ҳисоблагичнинг ўзида пластик карточка орқали амалга ошириш имконияти мавжуд, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Шовкиев.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Жиноятга жазо муқаррар

# Фирибгар чангали

Сухроббек Наврўзов, Бекзод Собиров, Санъатбек Бобожонов ўттизга кирган, айни кучга тўлган йигитлар. Ҳалол меҳнат қилиб, оиласини боқса бўлади. Аммо нафс деган бало — бирданига бойиб кетиш ҳаваси уларни жиноят йўлига етаклади.



Одамларимиз тўқ-фаровон яшаяпти. Машиналарнинг ҳам сарасини минишга орзумандлар қанча. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил машиналар салонда бир кун ҳам турмайди, талабгорлар уни навбатда туриб харид қилмоқда. Талабгор кўп! Айрим фуқаролар ўзи хоҳлаган русумдаги машина келишини кутиб ошиқади. Пулни санаб берса-ю, рулга ўтирса, уйига хурсанд ҳайдаб борса, дўстёрни чорлаб зиёфат берса...

Енгил машинага бўлган талабнинг ниҳоятда ошиб кетгани Сухробнинг оромини ўғирлади. Аввал машина бозорида юриб, бир-икки танишига улов харид қилишда кўмаклашди. Қарабсизки, эл орасида: «Сухроб ишингизни тез битказармиш, арзон машина олиб берармиш», деган мишмишлар тарқалди.

Айниқса, 2009 йилнинг охири, 2010 йилнинг бошида унинг бозори «гуллаб-яшнади». Бу эса «қаҳрамон»имизнинг иштаҳасини очиб юборди, «Энди ҳаракат қиладиган вақт келди», деб ўзича режа тузди. Б.Собиров, С.Бобожонов каби шериклар топди, икки ўртада «бир нималик бўлиб қолишини» айтиб, уларни ҳам йўлдан оздирди.

Хонқа туманида яшовчи Алишер Шариповга тез фурсатда, яна денг, арзон нархда «Ласетти» русумли автомашина олиб бераман деб 2009 йилнинг 23 октябридан 5 ноябригача бўлган вақт ичида 27 миллион 500 минг сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритди. Хонқа тумани «Намуна» қишлоғида яшовчи Баҳодир Нурметов ҳам «Ласетти» машинаси харид қилиш орзусида юрган эди. У ҳам сўзамол фирибгарнинг ваъдасига учиб, 23 миллион 700 минг сўмни қандай санаб берганини билмай қолди.

Фирибгарларнинг чангалига жами 33 нафар фуқаро тушган. Жабрланувчилар рўйхатига қарасангиз, асосан бир қишлоқ одамлари. Кўпчилиги қариндош, қўни-қўшни. Сухробнинг гапига ишониб, эртаиндин машиналик бўламан, деб юраверишган. Бу орада енгил машинани қонуний тартибда харид қилган танишларини кўриб, ич-ичидан зил кетишган бўлса ажабмас.

Жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди фирибгарлар тўдасининг жиноий қилмишига адолатли ҳукм чиқарди. Сухроб Наврўзов 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Унинг шериклари Б.Собиров ва С.Бобожонов эса 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига тортилди. Жабрдийдалардан алдов йўли билан олинган пуллар фирибгарлар ҳисобидан ундириладиган бўлди.

Одамларимиз содда, ишонувчан. Бўлмаса, вилоятдаги енгил машина савдоси билан шуғулланадиган салонга мурожаат қилинса, бўлмайдими? Қаранг, улар қонун-қоидани ўрганиш, сўраб-суриштириш ўрнига фирибгарнинг сўзига учиб, чув тушиб ўтиришибди.

**(Ўз мухбиримиз).**

Спорт

# Теннисчиларимиз — кейинги босқичда

Қарши шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида давом этаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидаги халқаро турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ракетка усталари ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақанинг жуфтлик беллашувларида иккинчи рақамда сараланган дуэт — Нигина Абдураимова ва Альбина Ҳабибулина биринчилардан бўлиб чорак финалга йўлланма олди. Қирғизистонлик Бермет Дуванаева ва исроиллик Грета Скрипникка қарши кортга чиққан ўзбекистонлик ракетка усталари рақиблари устидан 6:3, 6:3 ҳисобида зафар қучди. Энди улар кейинги даврада япониялик Канаэ Хишами ва америкалик Александра Рилэй билан рақобатлашади.

Жуфтлик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Алина Абдураҳимова ҳамда Лола Азимова дуэти Мадина Ҳотамова ва Мафтуна Юнусовани 6:4, 6:3 ҳисобида енгиб, кейинги даврага йўл олди. Шунингдек, биринчи рақамда сараланган жуфтлик — россиялик Евгения Пашкова ва грузиялик София Квацабая, россиялик Аминат Кушкова ва Ольга Панова ҳам бош соврин учун курашни давом эттирмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# «Пахтакор» — «Истиқлол» — 2:1

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг иккинчи давра ўйинлари футболчиларимиз учун хайрли бошланди.

«В» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» клуби 4-тур ўйинида Эроннинг номдор жамоаларидан бири бўлган «Истиқлол» футболчиларини ўз майдонида қабул қилди. Ҳисоб — 2:1. Бу ғалаба «Пахтакор»ни эгаллаб турган тўртинчи ўриндан юқорига кўтармаган бўлса-да, кейинги босқич йўлланмалари учун курашиш имконини беради.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув натижаси: «Ал-Наср» (Саудия Арабистони) — «Ал-Саад» (Қатар) — 1:1. Ҳозирча «А» гуруҳида ўтказилган ўйинлардан кейин «Ал-Саад» — 8, «Ал-Наср» — 5, «Истиқлол» ва «Пахтакор» — 4 тадан очко тўплади.

«С» гуруҳида иштирок этаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси кеча 4-тур ўйинини сафарда ўтказди. «Пирузи» (Эрон) — «Бунёдкор» (Ўзбекистон) — 1:3.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ОБ-ҲАВО 21-22.04. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 28°C | 30°C |
| Самарқанд | 28°C | 33°C |
| Нукус | 30°C | 35°C |
| Қарши | 30°C | 35°C |
| Урганч | 30°C | 35°C |
| Навоий | 30°C | 35°C |
| Фарғона | 27°C | 32°C |
| Бухоро | 30°C | 35°C |
| Андижон | 27°C | 32°C |
| Наманган | 27°C | 32°C |
| Термиз | 30°C | 35°C |
| Жиззах | 28°C | 33°C |
| Гулистон | 28°C | 33°C |
| Тошкент вил. | 28°C | 33°C |
| Лондон | 13°C | 14°C |
| Париж | 13°C | 14°C |
| Москва | 0°C | 3°C |
| Мадрид | 12°C | 10°C |
| Пекин | 14°C | 8°C |
| Гонгконг | 20°C | 22°C |
| Рим | 9°C | 10°C |
| Анқара | 5°C | 2°C |
| Токио | 9°C | 12°C |
| Стокгольм | 7°C | 5°C |
| Кейптаун | 11°C | 13°C |
| Қоҳира | 14°C | 6°C |
| Гавана | 27°C | 22°C |
| Вашингтон | 8°C | 7°C |

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси Самарқанд медицина институти клиникаси бош врачи Нурмамат Абдуллаевга турмуш ўртоғи

**Дилбар АТАБАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G`ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug`bek MUSTAFOYEV, Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari), G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 449
18968 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O`zA yakuni — 03.10
Topshirilgan vaqti — 03.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5